

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 февраль, № 39 (5713) Сешанба


Янгиликлар, воқеалар, **хабарлар**

*Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида инновацион ишланмалар кўргазмаси ташкил этилди.*

## Инновацион лойиҳалар — амалиётга

Олтинчи бор ўтказилаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига тайёргарлик доирасидаги мазкур ҳудудий кўргазмада Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа бир қатор идоралар тасарруфидаги 50 дан ортиқ илмий, илмий тадқиқот, олий таълим муассасалари ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 100 дан зиёд технология ҳамда ишланмалари намойиш қилинди.

Кўргазмадан демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборотлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, тиббиёт ва фармакология, кимё технологиялари ва нанотехнологиялар, ер тўғрисида инновацион ишланмалар ўрин олди.

(Давоми 2-бетда).

## Саноатга сармоя

*Навоий вилояти иқтисодиётига ўтган йили 825,5 миллион АҚШ долларилик ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди. Эътиборли томони, жами сармояларнинг 76,1 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда янгилашга йўналтирилди.*

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида вилоятда техник кремний ишлаб чиқариш инвестициявий лойиҳаси амалга оширилиб, Жанубий Кореянинг “Neoplant” компанияси билан ҳамкорликда “Uz-Kor Silikon” қўшма корхонаси ташкил қилинди. Бунинг учун 20,8 миллион АҚШ долларилик сармоя киритилди. Натижада электроника саноатида ҳамда муқобил энергия дастгоҳларини яратишда кенг қўлланиладиган юқори сифатли техник кремний ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган “Uz-Kor Silikon” жамоаси 2012 йилда бир миллион 800 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сайёр ярмарка

*Жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш манзилли дастурига мувофиқ, Бухоро вилоятида 74 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашда эса меҳнат ярмаркаларининг ҳам ўз ўрни бор.*

Шуни инобатга олган вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бир қатор ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда сайёр ярмаркалар ўтказмоқда. Шундай тадбирлардан бири Бухоро шаҳридаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил қилинди. Унда корхона ва ташкилотлар уч юздан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир давомида 150 нафардан ортиқ кишига меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий тушунчалар берилди. Қирқ нафарга яқин фуқаро эса ўз касби ва малакасига мос иш топди. Шундай сайёр ярмаркалар бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Йўловчиларга қулайлик

*Гурлан туманида йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Шоҳжаҳон автотранссервис” масъулияти чекланган жамияти тузилди.*

Корхона 485 миллион сўм миқдоридаги банк кредити эвазига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 6 та “Isuzu” русумли автобус харид қилиб, “Гурлан — Урганч” йўналишида мунтазам қатновларни йўлга қўйди. Йўл ҳақининг нисбатан арзонлиги, хизматнинг сифатлилиги ва қатновларнинг доимийлиги йўловчиларга манзур бўлмоқда. Ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши натижасида 16 та иш ўрни яратилиб, ойига ўртача 25 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатиш имконияти юзага келди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоят йўловчи ташиш автопарки тўлиқ янгиланди. Ўтган йил бошидан буён вилоятга 65 та янги автобус келтирилган бўлса, жорий йил охирига қадар яна 50 та худди шундай транспорт воситаси сотиб олиниб, турли йўналишларда аҳолига хизмат кўрсатила бошлайди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оила фаровонлигининг муҳим манбаи

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, қўлга киритилаётган натижалар, аҳоли турмушини обод, ҳаётини фаровон қилишдек эзгу мақсадларни кўзлаган. Буни тобора кенг қулоч ёзаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, у ўтган қисқа вақт ичида иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланиб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш ва ҳаёт даражасини кўтаришда муҳим аҳамият касб этаётир.*



### Кичик бизнес

Ўтган йили Қорақалпоғистонда мазкур соҳа тараққиётида янги саҳифа очилиб, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 66,4 фоизга етди. Бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва рағбатлар тақдим қилинаётганининг амалий самарасидир.

— Обод турмуш йили бизнинг жамоамиз учун қутлуғ бошланди, — дейди Тахтакўпир туманидаги “Тайимбет” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сарсенбой Сейтназаров. — Гап шундаки, фермер хўжалигимиз қошида гўштни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириб, аҳоли дастурхонига 30 хил колбаса маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйдик. Бунинг учун 300 миллион сўм эвазига хорижнинг замонавий технологик линиясини олиб келиб ўрнатдик. Натижада қишлоқ ёшларидан 10 нафари доимий иш билан таъминланди.

Бугун бозору дўконларга кирган киши маҳсулотларнинг сероблигидан бир қувонса, нархи арзон ва сифати юқорилигидан ўн карра шодланади. Сабаби, таклиф этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари ва халқ истеъмоли молларининг асосий қисми маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Обод турмуш тушунчаси азалдан, аввалламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барака деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.*

### 2013 йил — Обод турмуш йили

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод турмуш йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида қайд этилган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

### Қарор ва ижро

*Хабарингиз бор, шу кунларда жойларда Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига асосан, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.*

## Юртга муҳаббат, бурчга садоқат

Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Маросимда таъкидланганидек, ёшларни Ватанга садоқатли, фидойи, жасур ва мард инсонлар қилиб камол топтиришда миллий армиямиз муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилгани, ҳарбий бўлинмалардаги маънавий-ахлоқий муҳит тубдан яхшилангани туфайли жамиятда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғуси беқиёс даражада ошди.

Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Шу боис ҳам вояга етган ҳар бир йигит ўз хоҳиши билан ана шу шарафли вазифани адо этишга интилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Хизмат кўрсатиш суръати ошмоқда

**2012 йилда мамлакатимизда темир йўл тармоқлари орқали йўловчи ва юк ташиш тезлиги**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**1,3**

**баробарга оширилди.**

Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилгани, темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилгани поездлардан фойдаланиш харажатларини камайтириш баробарида, хизмат кўрсатиш борасида шундай юқори суръатни таъминлаш имконини берди.

### Парламент ҳаёти

*Маълумки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, амалдаги қонунчилик меъёрларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, сайловчилар манфаатини муҳофаза қилишда, шубҳасиз, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга.*

## Масъулият ва ташаббускорлик

**ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга**

Айнан шу муносабат билан жойларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий масалаларни ҳал этишдаги ролига бағишланган семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Ушбу семинар-тренинглар хусусида “Халқ сўзи” мухбирлари қуйидагиларни хабар беради.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган семинарда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилиб, унда белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, пойтахтимизда шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан қонунлар, ҳудудий дастурлар ижросини ўрганиш, ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, энг муҳими, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби кенг кўламли вазифаларни бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатидаги мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

— Ҳар бир депутат ўз фаолиятида масъуллик ва ташаббускорликка жиддий эътибор қаратиб, энг аввало, сайловчилар олдидаги мажбуриятларини бажариши мақсадга мувофиқдир, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси Тошпўлат Матибоев. — Семинарда депутат халқнинг давлат ҳокимияти органларидаги ваколатли вакили эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу боис фаолиятимизни, энг аввало, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланишига, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барқарор ривожланишига қаратишимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқимизга хос яшаш тарзи — маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтгача юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

# Масъулият ва ташаббускорлик

## ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент вилояти ўқув семинарида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

— Дарҳақиқат, ҳозирги қизғин давр ҳар бир депутатни фаоллик ва ташаббускорликка ундамоқда, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Сирожиддин Аъзамов. — Бунга эришиш учун, аввало, депутат ҳудудий муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш учун жойларда манфаатдор ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш юритиши ва сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳаётнинг жуда кўп жабҳаларига оид катта-кичик муаммолар айнан сайловчи билан учрашганда юзага чиқади. Бу, ўз ўрнида, муаммо сабаблари ва уни ҳал қилиш йўлларини чуқур таҳлил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини мониторинг қилиш, энг муҳими, бу масалаларнинг ижтимоий аҳамиятига қараб, уларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритиш имконини яратади.

Сирдарё вилоятида ўтказилган семинар-тренингда сўнгги йилларда жойларда депутатлар корпусининг фаоллиги ва ролини оширишда айрим ижобий натижаларга эришилаётгани айтилди. Чунончи, ўтган даврда вилоятда фаолият кўрсатаётган жами 370 нафар депутатни ўзида бирлаштирган 12 та халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва уларнинг 72 та доимий комиссиясининг фаолияти сезиларли даражада жонланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, қонунлар, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашнинг долзарб масалалари танқидий жиҳатдан кўриб чиқила бошлади ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳисоботлари тингланмоқда.

— Ўтган йили ўтказилган доимий комиссиянинг йиғилишларида туман иқтисодий ҳаётига доир кўплаб масалалар кўриб чиқилди, — дейди халқ депутатлари Сирдарё тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Умарқул Очилов. — Мисол учун, касаначилик ва сервис хизматини йўлга қўйиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича туман манзилли дастури ижросини таъминлашнинг ҳолати ўрганилганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилгани маълум бўлди. Хусусан, умумий лойиҳа қиймати 6 миллиард 613 миллион сўм ва 12,8 миллион АҚШ доллари бўлган 31 лойиҳа амалга оширилиб, 481 иш ўрни яратилган.

Шунингдек, семинар-тренингда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда сенаторлар фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганига эътибор қаратилди.

Самарқанд вилоятида ташкил этилган ўқув-семинарда юртимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилаётганига алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, аҳолига муносиб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган муҳим дастурлар қабул қилинишини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани ва ушбу жараёнда маҳаллий Кенгашлар ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Семинар-тренингда ўтган давр мобайнида вилоят Кенгаши сессиясига сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари томонидан кўплаб долзарб масалалар киритилгани қайд этилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий Кенгаш ва доимий комиссиялар фаолиятида сезиларли ўсиш кузатилаётганини кўрсатиб турибди. Айниқса, сайловчиларни қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳиятидан бохабар этиш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян тажриба тўпланганини ижобий баҳолаш мумкин.

Семинарда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Очиғини айтиш керак, айрим масалаларда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки сезиларли даражада бўлмаяпти, — дейди вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ўктам Саидмуродов. — Ушбу семинарнинг жонли мулоқот тарзида ўтказилиши, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича берилаётган таклиф ва тавсиялар, шубҳасиз, бундан кейинги фаолиятимизни самарали ташкил этишимизда муҳим омил ҳисобланади.

Семинар-тренингларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ тегишли тавсиялар берилмоқда.

**Зиёда АШУРОВА,**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимиздаги "Шодлик палас" меҳмонхонасида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташаббуси билан "Сайёҳлик маҳсулотларини реал сотиш ва аниқ мақсадли маркетинг" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда АҚШдан таклиф қилинган профессор Эдвард Драмбергер маркетинг режаси тузиш, янги истеъмолчиларни жалб этиш, рақобатбардошликни янада ошириш каби мавзулардаги қизиқарли маърузаларини иштирокчиларга тақдим этди.

**● Бухоро вилоятида тиббиёт ходимлари анжумани ўтказилди. Он-лайн тарзида уюштирилган мазкур тадбирда Бухоро туманидаги "Шергирон" қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари билан видеомулоқот ўрнатилиб, ўзаро тажриба алмашилди.**

● Урганч шаҳрида "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан бизнес форум ўтказилди. Анжуманда юртимиз аёллари халқ хўжалигининг турли тармоқларида, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни тараққий топтиришда фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатаётганлиги алоҳида таъкидланди.

**● Навоий шаҳридаги Матбуот уйида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ва халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда "Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● Янгиер шаҳридаги вилоят сил касалликлари диспансери мукаммал таъмирдан чиқарилиб, бу ерда беморлар учун замонавий қулайликлар яратилди. Бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 513 миллион сўм сарфланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Оила фаровонлигининг муҳим манбаи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ўтган йили Қўнғирот туманида ташкил этилган "Мадина" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли сут маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Бунда тадбиркор Марат Арикбоев ташаббуси билан Италиядан 160 миллион сўм эвазига келтирилган илғор технологик ускуналар қўл келаётир. Улар ёрдамида ойига салкам 6 тонна сут қайта ишланиб, буюртмачиларига пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Нукус шаҳридаги Мурод Тангрибергенов раҳбарлик қилаётган "Муродбек мебель" хусусий корхонаси жамоаси эса мижозлар талаби асосида уй жиҳозлари ва идора мебелларини ишлаб чиқаришмоқда. Шу боис унга талаб ой сайин кўпайиб, иш ҳажми 2 баробар ошди. Яъни 2011 йилда 214 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 528 миллион сўмликка етди.

Асосан, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардан иборат 12 кишилик жамоа айни пайтда 20 турдаги мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришга эришмоқда.

Оролбўйи минтақасида сервис хизматлари кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифати яхшиланишида, айтиш мумкинки, кичик бизнеснинг улуши катта бўлаяпти. 2012 йилда биргина Тўрткўл тумани аҳолиси 90 миллиард сўмлик шундай хизматлардан фойдалангани бунинг яққол далилидир.

Бу борада тадбиркор Руслан Қарриевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, у туман марказида қаровсиз ётган бинони қайта таъмирлаб, "Ҳуснора-Севара" умумий овқатланиш хусусий корхонасини ташкил қилди. Банкнинг 98 миллион сўмлик молиявий кўмагида рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа асосида ўнга яқин ёшлар ишга жалб этилди. Улар томонидан ўтган қисқа фурсатда 32 миллион сўмлик хизмат кўрсатилгани эътиборга молик.

— Юртимизда биз, тадбиркорлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, — дейди нукуслик тадбиркор Роза Ўрозбоева. — Биз ҳам шундай имкониятлардан фойдаланиб, яқинда маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширдик. Бунда банкдан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит қўл келди. Айни чоғда мажмуамиз фаолиятини янада кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз.



Обод турмуш йили берунийлик Навбаҳор Абилова учун ҳам омадли келди. У "Санжарбек-Акбарбек" замонавий савдо мажмуаси фаолиятини йўлга қўйди.

— Банкнинг 30 миллион сўмлик молиявий мадади билан тадбиркор бўлишдек орзуим ушалди, — дейди Н. Абилова. — Натижада қишлоғимизда тикувчилик цехи, сартарошхона, дорихона, гўзаллик салони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат замонавий мажмуани барпо этдик. Ҳозир қишлоғимиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатаяпмиз.

Кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган энг оммавий касб соҳиблари нафақат оиласи, балки аҳолининг турмуш фаровонлиги, иқтисодиётимиз тараққиётига ҳам муносиб улуш қўшишмоқда. Шу боис тадбиркорлик ҳаракатига янада эркинлик бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам доимий диққат-эътиборда бўлади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Юртга муҳаббат, бурчга садоқат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муддатли ҳарбий хизматга отланган Бўстонлиқ туманилик Баҳодир Ҳамидов ҳам катта орзу-мақсадлар сари дадил қадам ташлайдиган ёшлардан бири. Ахборот технологияларига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Билимли, спорт билан мунтазам шуғулланади. Айниқса, хорижий тилларни ўрганишга иштиёқи баланд. Аммо у кўзлаган мақсадларига етишиши учун шуларнинг ўзигина кифоя, деб билмайди. Баҳодирнинг эндиги нияти Ватан олдидаги бурчини ёруғ юз билан ўтаб, ҳарбий билимларни ҳам пухта эгаллашдир.

— Чақирув комиссияси томонидан ташкил этилган синовлардан муваффақиятли ўтишимда устозларим берган сабоқлар, спорт билан шуғулланганим жуда қўл келди, — дейди у. — Жудаям хурсандман. Билдирилган ишончни, албатта, оқлайман. Мақсадим — муддатли ҳарбий хизматдан кейин ҳам Ватанимиз тинчлигини асраб-авайлашдек эзгу вазифа рўёбига муносиб ҳисса қўшиш.

— Ўғлимиз Абдурасулни кузатгани келдик, — дейди Ўрта Чирчиқ туманилик Шоира Муродова. — У акасига ҳавас қилган экан, армияга бораман, деганида шунақанги қувондикки, асти қўяверасиз. Катта ўғлимиз Жасурбек ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганда. Ҳозир шу соҳада фаолиятини давом эттираяпти. Ҳарбий либосдаги бири-биридан келишган анави йигитларга бир қаранг. Улар қаторида фарзандимизни кўриб, севиниб ўтирибмиз. Шундай кунларни кўрсатганига шукр. Насиб қилса, Абдурасул муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келгач, у ҳам шу соҳада фаолият юритмоқчи. Биз ҳам орзулари ушалишига тилакдошмиз. Бахтини берсин, роҳатини кўрайлик.

Шу орада аскарлар саф тортишди. Улар кўзида ишонч, садоқат ва масъулият туйғулари жилваланди. Йиғилганларнинг барчаси Ватан ҳимоячиларига оқ йўл тилашди.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

# Инновацион лойиҳалар – амалиётга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мазкур кўргазма марказимизнинг илк йирик тадбири ҳисобланади, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация ва технологиялар трансфери маркази раҳбари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Нодира Саидаҳмедова. — Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг июль ойида ташкил этилган марказнинг асосий вазифаларидан бири вилоятдаги мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, уни ривожлантириш, бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизматларнинг янги турларини кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, 2008 — 2012 йиллар мобайнида ўтказилган ярмаркаларда республика олимларининг 2 мингдан ортиқ ишланмалари, технология ва ғоялари намойиш этилди. Уларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ва илмий ташкилотлар ўртасида умумий қиймати 44,7 миллиард сўмга тенг бўлган 1545 та шартнома баённомалари имзоланди.

Кўргазма доирасида фермерлар, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда инновацион ишланмалар муаллифлари ўртасида бир қатор шартномалар тузилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 26 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2076,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3056,29 |
| 1 Дания кронаси | 357,28 |
| 1 БАА дирҳами | 550,37 |
| 1 АҚШ доллари | 2021,22 |
| 1 Миср фунти | 300,18 |
| 1 Исландия кронаси | 15,94 |
| 1 Канада доллари | 1974,43 |
| 1 Хитой юани | 324,25 |
| 1 Россия рубли | 66,58 |
| 1 Украина гривнаси | 252,87 |
| 1 Малайзия ринггити | 651,38 |
| 1 Польша злотийси | 639,91 |
| 1 СДР | 3064,41 |
| 1 Туркия лираси | 1123,65 |
| 1 Швейцария франки | 2170,09 |
| 1 евро | 2693,07 |
| 10 Жанубий Корея вони | 18,58 |
| 10 Япония иенаси | 214,73 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Изчил ҳамкорлик истиқболи

*Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Корея Республикаси фонд биржасининг стратегик менежмент бўйича директори Хонг Хи Шин раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

Тадбир

Унда қўмита аъзолари, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, фонд бозори инфратузилмаси ташкилотлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида 2011 йилнинг август ойида имзоланган Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома мазкур соҳада ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Учрашувда Президентимизнинг 2012 йил 19 мартда қабул қилинган "Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартноманинг ижросини таъминлаш жараёни, шунингдек, мамлакатимиз фонд бозорини модернизациялаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида Ягона дастурий-техникавий мажмуани жорий этиш тўғрисида бош шартномага қўшимча келишув имзоланди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ёғингарчилик оқибати

***Греция пойтахтини кучли ёмғир ёққани боис сув босди, дейилади “France-Presse” ахборот агентлиги хабарида.***



Шаҳар ўт ўчириш бўлими маълумотларига кўра, бир кунда қарийб 900 та чақирув келиб тушган. Мазкур мурожаатларда касалхоналар, тураржойлар ва бошқа маъмурий биноларда тўпланиб қолган сувни бартараф этишга кўмаклашиш сўралган. Бундан ташқари, Греция парламенти биносининг иккита йирик ойнали девори қулаб тушган. Натижада бир киши тан жароҳати олган.

Афинада бундай кучли ёғингарчилик сўнгги бор 1961 йилда қайд этилган экан. Метеорологлар яқин кунлар ичида Жанубий Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳам шундай ноқулай об-ҳаво шароити кузатилишини айтишмоқда.

## Зарар билан якунлади

***Йириклиги жиҳатидан Европадаги учинчи авиакомпания ҳисобланган “Air France-KLM” (Франция/Голландия) ўтган йилни 1,19 миллиард евро миқдорида зарар билан якунлади.***



Шунга қарамай, компания мутасаддилари 2012 йилда аввалги йилдагига нисбатан ижобий натижалар қайд этилганини ҳам билдиришди. Чунончи, қарзлар сезиларли даражада камайган. Иш ўринларини қисқартириш орқали ортиқча харажатларга чек қўйилган.

Экспертларнинг изоҳлашича, “Air France-KLM” фаолиятидаги бундай салбий кўрсаткичлар Европадаги мураккаб иқтисодий аҳвол билан ҳам боғлиқ. Жумладан, йил давомида юкларни ташишга буюртмалар деярли берилмаган. Ёнилғи маҳсулотлари нархи эса қимматлашган.

## Марсга саёҳат

***2018 йилда инсониятнинг Марсга биринчи парвозини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Айни пайтда АҚШдаги миллий коинот институти мутахассислари ана шу сафарни рўёбга чиқариш мақсадида тадқиқот олиб боришаяпти.***



Ушбу тарихий ташаббус юзасидан дунё миқёсида аллақачон турли фикрлар билдирилмоқда. Масалан, аксарият экспертлар “Қизил сайёрага учишга тайёргарлик кўриш учун беш йил етармикин?” деган саволни ўртага қўйишмоқда. Чунки бу Ойга амалга ошириладиган парвоздан тубдан фарқ қилади. Масалан, Ойда космонавтлар қандайдир кўмакка эҳтиёж сезишса, албатта, уларга Ердан ёрдам жўнатиш имконияти мавжуд. Аммо Марсда бунинг иложи йўқ. Қолаверса, “Қизил сайёра”да Қуёш радиацияси жуда юқори бўлиб, у инсон саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин. Шу жиҳатлар чуқур таҳлил қилиниши зарурлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам, Марсга қилинадиган парвоз асримиздаги энг муҳим янгилик сифатида тарихга киради. Унда икки нафар космонавт қатнашиб, самовий сафар 501 кун давом этиши кўзда тутилган.

## Мутахассислар хулосаси

***Европада молиявий-иқтисодий инқироз 2014 йилга қадар давом этиши мумкин.***

Еврокомиссия таҳлиллари шундай хулоса чиқаришга асос бўлмоқда. Аммо ташкилотнинг молиявий сиёсат бўйича комиссари қитъа мамлакатларини бундан асло тушкунликка тушмасликка чақириб, имкон доирасида бюджет тақчиллигини камайтириш чораларини кўришга даъват этди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили евроҳудудга кирувчи 17 мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,6 фоизга камайган. Натижада ишсизлик даражаси 12 фоизга етган. Бу “кўҳна қитъа”нинг меҳнатга лаёқатли 19 миллион аҳолиси ўз иш жойига эга эмас, деганидир.

## Ноёб тарихий ёдгорлик



***Бир гуруҳ геологлар Ҳинд океани ҳудудидаги Маврикий оролида ноёб тарихий ёдгорликни аниқлашди.***

Ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида қўлга киритилган далиллар шуни кўрсатдики, хусусан, бу ерда циркон (сариқ, қизил ва кулранг тусли ялтироқ минерал) топилган. Мазкур кристалл асосида олимлар бу ерда қадимда “Мавриций” деб номланган кичик қитъа бўлганини билдиришмоқда. У бундан 85 миллион йил аввал йўқолиб кетган.

Мутахассислар топилмани чуқурроқ ўрганишга киришишди.

## «Оскар» ғолиблари

***Америка киноакадемияси томонидан “Оскар” мукофотининг навбатдаги совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.***



Унда Бен Аффлек томонидан суратга олинган “Арго” операцияси” кинокартинаси 2012 йилнинг “Энг яхши фильми” дея топилди. “Энг яхши актёр” ва “Энг яхши актриса” номинацияларида эса Дэниел Дэй-Льюис ҳамда Женнифер Лоуренс ғолиб бўлди. Айтиш жоизки, Дэй-Льюис учун бу учинчи “Оскар”дир. У бунгача “Менинг чап оёғим” (1989) ва “Нефть” (2007) фильмларида ижро этган роллари учун нуфузли мукофотга лойиқ кўрилган эди.

Тадбирда яна бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

### Интилиш

*Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгараётганини, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.*



# Замин неъматлари

## миришкор деҳқонларимизнинг фидойи меҳнати туфайли йил бўйи дастурхонимизга файз-барака киритмоқда

Дарҳақиқат, юртдошларимизнинг ўз ишига бўлган муносабати тобора яхшиланиб, омилкорлик билан меҳнат қилаётгани боис даромадлари ҳам кўпаймоқда. Пировардида турмуши янада фаровон бўлиб, хонадонларига файзу барака кириб бораётир.

Андижон вилоятида ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб, шундай туйғу билан яшаётган ташаббускор, фидойи, жонкуяр инсонлар бисёр. Уларнинг эзгу мақсад ва интилишлари туфайли вилоят аҳолисининг дастурхони янада тўкин бўлиб бораяпти. Айниқса, Асака туманининг Қашқар маҳалласида яшовчилар миришкорлик борасида ном қозонган. Гап шундаки, ушбу маҳалла аҳли ҳар қарич ердан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олган. Иссиқхона хўжаликларини ташкил этишда эса вилоятда пешқадам.

— Ҳамма гап ҳафсала ва ҳисоб-китоб билан иш юритишда, — дейди тажрибали деҳқон Шаҳобиддин Раҳмонов. — 1,5 сотихдан иборат иссиқхонамизда бодринг етиштириш билан шуғулланамиз. Ўн беш бош қорамолимиз ҳам бор, маҳаллий ўғит ўзимиздан чиқади. Иссиқхонада табиий газдан фойдаланмаймиз. Чунки экинлар плёнка остида, қуёш энергиясидан куч олиб ўсади.

Шаҳобиддиннинг арифметикаси содда, лекин аниқ рақамларга асосланган: иссиқхонани ўраш учун 27 минг сўмга плёнка харид қилинади, 60 минг сўмга эса кўчат сотиб олинади. Бошқа сарф-харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, жами 100 минг сўм талаб этилади. 400 туп кўчатнинг ҳар бири ўртача уч килограммдан ҳосил беради. Тадбиркор уларни камида икки минг сўмдан сотган тақдирида ҳам, 2 миллион 400 минг сўм даромад кўради.

Равшанбек Муталибов эса, мана 25 йилдирки, томорқасидаги иссиқхонасида бодринг ва помидор кўчатларини етиштиради. Ҳар йили эрта кўкламда деҳқонларни 30 минг туп помидор ва 20 минг туп бодринг ниҳоли билан таъминлайди.

— Иссиқхонамиздан тўрт марта ҳосил оламиз, — дейди у. — Икки ўғлим ёнимда. Йиллик даромадимиз 7 миллион сўмни ташкил этади. Шу касбнинг этагини тутиб, кам бўлганимиз йўқ. Ҳозир даромадимиз ҳисобидан икки қаватли уй тиклаяпмиз. Биринчи қавати ишлаб чиқариш цехи бўлса, юқорисида ўзимиз яшаймиз.

Олтинкўл туманидаги Сувюлдуз маҳалласида истиқомат қилувчи Мақсудахон Худойбердиева хонадонида ҳам 2 та иссиқхона мавжуд. Уларда ўн хил сабзавот, 4 турдаги дуккакли ўсимлик, 4 хил резавор етиштирилади. Бундан ташқари, 2 бош қорамол, шунча қўй ва кўплаб парранда



парвариш қилинаётир. Хонадон соҳибасининг айтишича, йиллик даромад 6-7 миллион сўмдан ошар экан.

Пойтуғ шаҳарчасининг Навоий маҳалласида яшовчи Асатилло Мўйдиновлар оиласи эса унча катта бўлмаган ҳовлида анор парваришлаб, йилига 1,5 тоннагача ҳосил олмоқда. Шу билан бирга, Асатилло анор дарахтлари остида ташкил этилган иссиқхонада кўчатлар ҳам етиштираётир.

— Ерни бўш қолдириб бўлмайди, — дейди у. — Икки, ҳатто, уч мартадан ҳосил олиш ҳақида ўйлашимиз, шу мақсадда ҳаракат қилишимиз шарт. Ўшанда ер чиндан ҳам сизни боқади, саховатини аямайди. Мана, масалан, биз кўклам бошланмасдан иссиқхонамизга помидор, булғор қалампири, бақлажон уруғини сепамиз. Кўчатларни дарахтлар барг ёзиб, гулга киргунга қадар сотишга улгурамиз. Билсангиз, данғиллама уй-жой, қўша-қўша автомобиль, омбор тўла дон — мана шу дўппидек томорқанинг баракаси-да.

Избоскан туманилик одамларнинг бу борадаги ишбилармонлигига ҳам қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Туманда ўтган йили 33 минг тоннадан ортиқ сабзавот етиштирилган бўлса, шунинг бир қисми салкам 37,2 мингта хонадоннинг 1688 гектар томорқаси ҳиссасига тўғри келди.

“Илгари қурилган иссиқхоналардан ҳозиргиларининг фарқи нимада?” деган саволимизга “Шерматобод” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Абдухалил Обидов шундай деб жавоб берди:

— Аввал иссиқхоналар бошдан-оёқ темирдан тикланар, ойна билан ўралар, табиий газ ёки ёқилғи билан иситилар эди. Бир оз бепарволик қилинса, экинни совуқ уриб, нобуд бўларди. Натижада маҳсулот таннархи кўтарилиб кетарди. Ҳозирги иссиқхоналарда бундай ҳолат кузатилмайди. Негаки, ернинг маълум қисми кавланиб, қуёшга қараган томони пахса билан ўралмоқда. Ота-боболаримиз бир вақтлар уйларини шу тарзда тиклагани учун пахса деворлар ҳароратни мўътадил сақлаб турган. Шундан келиб чиқиб, қарийб бир гектар ерда Хитой технологияси асосида иссиқхона ташкил этганмиз. Қурилишга 9,6 миллион сўм сарфланди. Тўрт нафар ҳамқишлоқларим билан биргаликда помидор ва бодринг кўчатларини ўстираяпмиз.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоят миришкорлари илғор технологияларга асосланган ҳолда, қуёш ҳарорати юқори самара берувчи плёнкалар остида кўчат ҳамда ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Ҳудудда мавжуд 3895 та иссиқхонанинг 3800 таси ана шу экологик тоза, арзон ва қулай усулда фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир. Бу, табиийки, маҳсулот таннархининг арзон, сифатининг юқори бўлишини таъминлаяпти.

Ўтган йили вилоят бўйича 2347 гектар майдондаги иссиқхоналарда етти минг тоннадан зиёд ҳосил етиштирилган эди, бу йилги режалар эса янада салмоқли. Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги “2013 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг прогноз кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори асосида жорий йилда 2120 та хонадонда муқобил иссиқлик манбаи асосида ишлайдиган енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этишга киришилди. Уларнинг 219 таси ҳар бири 0,5-2 сотих майдонни эгаллайдиган Хитой технологияси асосидаги иссиқхоналардир.

Бундан ташқари, аҳолининг 7600 гектар томорқасида сабзавот экинлари парвариш қилиниши кўзда тутилган. Бунинг учун 388 миллион туп кўчат етиштирилиши зарур. Шу мақсадда 420 минг 600 квадрат метр майдонга пиёз, сабзи, лавлаги, саримсоқпиёз уруғларини сепиш мўлжалланган.

Кўриниб турибдики, республикамизнинг барча вилоятларида бўлганидек, Андижонда ҳам тадбиркорлар, яъни ўрта синф вакиллари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ички бозорни тўлдиришдаги улушининг юқорилиги эса иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ҳамда равнақи, одамларнинг эртанги кунга ишончининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

---

## «Ягона ойна» марказлари

### тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қўл келмоқда

Бугун юртимизда тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг эркин фаолият юритиши, юқори даромад топиши учун барча шарт-шароит яратилаяпти. Хусусан, Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарларида ташкил этилган “Ягона ойна” марказлари бу борада соҳа вакилларининг яқин кўмакчисига айланиб бораётир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур хизмат тури бир қанча афзалликларга эга. Яъни бу ерда нафақат тадбиркорлар, балки барча фуқаролар ўндан зиёд соҳаларга оид маълумотларни тўлиқ ва тезкор равишда олишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, вақтни тежаш ҳамда ортиқча расмиятчилик ҳолатларини қисқартиришга имкон бераётир. Айни

### Жараён

пайтда вилоятда 79 мингдан зиёд ишбилармонлар фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, бунинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

— Бундан ташқари, “Ягона ойна” марказида тадбиркорларни рўйхатга олиш жараёни халқаро амалиёт талабларига мослаштирилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Олимжон Боймуродов. — Яъни бу ерда соҳа вакилларининг алоқа ва интернет, энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан доимий фойдаланишлари учун ҳам барча имконият мавжуд.

— Анчадан буён бизнес билан шуғулланишни ният қилиб юргандим, — дейди Қарши шаҳрида яшовчи Шоҳруҳ Рўзибоев. — Алюминий профилдан эшик ва ромлар тайёрлашни ўрганиб, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун “Ягона ойна” марказига келдим. Бу ерда энг устувор масалалар бўйича барча маълумотларга эга бўлдим. Эътиборли жиҳати, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун солиқ ва бошқа идораларга боришимга ҳожат қолмади. Икки кун ичида шу ернинг ўзида барча ҳужжатлар тайёрлаб берилди.

Албатта, тадбиркорлар учун яратилаётган бундай қулайликлар уларнинг истиқболли лойиҳаларини юзага чиқаришда асқотмоқда. Қолаверса, ушбу ўзгариш ва янгиланишлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграллашувини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ип аралашган жунли, денгиз тўлқини рангли эркаклар енгил курткалари, ип аралашган жунли, денгиз тўлқини рангли эркаклар формали шимларини**

**ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2013 йил 4 январь кунидаги 2-сонида чоп этилган тендер таклифлари муддати узайтирилганлигини эълон қилади.**

***Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.***

*Талабгорлардан тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 5 март.*

***Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.***

281/178

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

11R/109

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

● Реклама ва эълонлар ●

**Қурилиш-монтаж ташкилоти**

***танлов асосида юқори малакали ходимларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга таклиф этади:***

- бош энергетик;
- муҳандис-электрик;
- муҳандис-технолог;
- техника хавфсизлиги (ТБ), саноат хавфсизлиги (ПБ), йўл ҳаракати хавфсизлиги (БДД) ва атроф-муҳит муҳофазаси (ООС) бўйича муҳандис;
- ҳужжатлар билан ишлаш бўйича мутахассис;
- диспетчер-алоқачи;
- махсус монтаж ишлари бўйича уста;
- гидротехник иншоотлар бўйича уста;
- субпудрат шартномалари бўйича мутахассис;
- мониторинг ва ҳисобот бўйича мутахассис;
- V-VI разрядли электргазпайвандчилар;
- V-VI разрядли газ билан кесувчилар (газорезчики);
- стропалчилар;
- изоляцияловчилар.

**Меҳнат шароити — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вахта услубида ишлаш ва муносиб меҳнат ҳақи тўланади.**

**Резюмени қуйидаги манзилга юбориш лозим: e-mail:office@ent-en.com**

**Маълумот учун телефон: (+99890) 998-38-84.**

238A/147

*Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**
**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ**

***катталар учун 205х140 см. ўлчамдаги 14 000 дона одеял, 100 000 жуфт ип газлама пайпоқ сотиб олиш бўйича тендер савдоси эълон қилади.***

*Таклифлар 2013 йил 25 мартга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:*

**Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 291-64-15, 291-44-33, 291-68-02, 291-35-88.**
**Факс: (8-371) 291-68-69, 283-27-84.**
**E-mail:guin_mvd_uz@bk.ru**

269A/177

Тошкент молия институти жамоаси Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, профессор Тўрабой Қоралиевга падари бузруквори

**Қорали ота МАМАТҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Келажакка дадил қадам

*Хумора Мамирова 6 ёшда. Пахтакор туманидаги 10-“Шодлик” мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси. 22 нафар дугонаси билан бирга мураббийи Гулниса Эргашевадан бадиий гимнастика сирларини ўрганмоқда. Туман миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, бир неча бор ғолиб бўлди. Мақсади — жаҳон чемпионатида қатнашиш.*



## Болалар спорти

— Бугунги кунда вилоятимизда 169 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қуроқбой Эргашев. — Уларга 25 минг 475 нафар бола, яъни боғча ёшидаги ўғил-қизларнинг 20,2 фоизи қамраб олинган. 20 га яқин спорт тури бўйича 363 та тўгарак ишлаб турибди. Машғулотлар олий ва ўрта махсус маълумотли мураббийлар томонидан ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилган. Муассасалар ўртасида мунтазам равишда спорт мусобақалари ташкил этиб келинади. Айниқса, бадиий ва спорт гимнастикасига қизиқиш катта.

— Болаларни тўгаракларга жалб этишда уларнинг қизиқиш ва лаёқатини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Жиззах тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-“Ғунча” мактабгача таълим муассасасининг жисмоний тарбия мураббийи Фарангиз Абдуллаева. — Уларнинг қобилияти эрталаб ўтказиладиган бадантарбия машғулотларида намоён бўлади. Болаларга ортиқча юклама бериш уларнинг қизиқиши ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун улар 2-3 ёшидан бошлаб ўйинли машғулотлар асосида чиниқтириб борилади. Сўнгра спортнинг маълум турларига қамраб олиш кўзда тутилади. Халқ ўйинларидан кенг фойдаланиш эса кичкинтойларнинг соғлом ўсишини таъминлаш билан бирга, онги шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Муассасамизда бир неча турдаги спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, бадиий гимнастика тўгарагимизда 14 нафар қизалоқ билан ҳафтасига уч марта машғулот ўтказамиз.

Бугун вилоятдаги барча мактабгача таълим муассасаларида спорт машғулотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа мутасаддилари муассасаларни мутахассис кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, тўгараклар сони ва уларга жалб этилган болалар сафини янада кенгайтириш, ўғил-қизларни боғча ёшиданоқ ҳар томонлама чиниқтириб вояга етказишни ўзларининг устувор вазифаси, деб билишади.

Баркамол авлод тарбияси йўлидаги бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бераяпти. Таҳлилларга назар соладиган бўлсак, 2008 йилда 5-7 ёшли болаларнинг ўртача бўйи 80-105 сантиметр, вазни 12-17 килограммни ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб, бу кўрсаткич тегишли равишда 90-108 сантиметр ва 15-18 килограммга ўсган. Нафас олиш аъзолари касалликлари 8,3 фоиздан 7,9 фоизга, камқонлик хасталиги 20 фоиздан 19 фоизга, буйрак касалликлари 1 фоиздан 0,81 фоизга, юрак-қон томир хасталиклари 1 фоиздан 0,14 фоизга камайган.

Аёнки, жисмонан соғлом, юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, мамлакатимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг турмуш фаровонлиги бугун вояга етаётган авлодга, унинг ҳаётга қўяётган залворли қадамига боғлиқ.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Ислоҳот

*“Yosh dasturchi – Buxoro” масъулияти чекланган жамияти томонидан махсус ўқув курслари ташкил этилгани кутубхона ходимаси Зарнигор Қудратова учун айни муддао бўлди. У мазкур курсларда ўз билим ва маҳоратини ошириб, 11 нафар тингловчи қаторида “Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази”нинг сертификатини қўлга киритди. Эндиликда Зарнигор замонавий ахборот технологиялари имкониятларини ишга солган ҳолда, фойдаланувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсата олади.*

# Замонавий ахборот технологиялари

### фойдаланувчилар учун қулайликлар яратмоқда

Вилоят ахборот-кутубхона маркази негизида ташкил этилган мазкур жамият томонидан ўтган давр мобайнида олтита дастурий маҳсулот тайёрланиб, корхона ва ташкилотларга ўрнатилгани, 13 та касб-ҳунар коллежининг веб-сайтлари яратилгани ҳам диққатга сазовор.

— Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, вилоят ахборот-кутубхона марказининг бўлимлари тўлиқ компьютерлаштирилди, улар махсус “KaDaTa” дастурлари билан таъминланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ж. Худоёров. — Марказ умумий фондининг 26,4 фоизи электрон каталогга киритилди. Ахборот-кутубхона маркази веб-сайти ёрдамида интернет, жумладан, “ZiyoNet” ахборот портали ҳамда мультимедиа нашрлари орқали китобхонларга ахборот беришни йўлга қўйди. Бундан ташқари, вилоятдаги 25 та ахборт-ресурс маркази Алишер Навоий номидаги миллий ахборот-кутубхонасининг интеграциялашган ахборот тармоғига, 459 та умумтаълим мактаби, 8 та академик лицей, 80 та коллеж, барча олий таълим муассасалари, бир кутубхона ва музей “ZuyoNet” ахборот порталига уланди.

— Бу каби қулайликлар бизга дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўтишга, илм-фан соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришга шароит яратмоқда, — дейди Ғиждувон туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шуҳратжон Ғаниев. — Натижада касб маҳоратимиз билан узвий тарзда ўқув самарадорлиги ошаяпти. Ёшларга замон талаблари асосида сабоқ бериш имкониятлари кенгаймоқда.

Табиийки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси кўлами жуда кенг. Унинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, мазкур соҳанинг иқтисодиётдаги салмоғини ошириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги имкониятлари катта. Бугунги кунда алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги лицензияси асосида вилоятдаги 177 та хўжалик юритувчи субъект замонавий телекоммуникация, маълумотлар узатиш, интернет ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда. Интернетдан жамоавий фойдаланиш шохобчалари сони 120 тага етди. Дарвоқе, бу хизмат туридан фойдаланувчилар сони айни дамда вилоятда 521 минг нафардан ошди. Интернет хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичи ҳар минг нафар аҳолига ўртача 306 тани ташкил этаяпти.

— Мамлакатимизда кенг форматли оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Ф. Аллаев. — Жумладан, Бухоро шаҳрида замонавий технология асосида бир нечта объектга беш километрдан зиёд масофада шиша толали кабеллар ётқизилиб, керакли ускуналар ўрнатилди. Бундан ташқари, кенг полосали телекоммуникация хизматлари кўрсатиш имконини берувчи 14 та MSAN қурилмасини ўрнатиш юмушлари ниҳоясига етмоқда.

Мазкур лойиҳалар мижозларга юқори сифатли кенг полосали телекоммуникация хизматлари кўрсатиш ҳамда юқори тезликдаги интернет хизматларини тақдим этиш имкониятини яратаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Теннис

# Чемпионат якунланди

*Республика олимпия захиралари теннис мактабида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.*

Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги яккалик баҳсларида Санжар Файзиев бош совринни қўлга киритди. Ботир Сафоев кумуш, Павел Цой бронза медаль билан тақдирланди. Жуфтликлар ўртасидаги беллашувлар якунида Неъмат Шофайзиев ва Санжар Файзиев тандеми чемпионликни нишонлади. Алексей Намозов/Азизбек Луқмонов, Сардор Раҳимов/Искандар Довудов дуэтлари кучли учликдан жой олди.

Хотин-қизлар мусобақасида Арина Фольц, Гўзал Юсупова ва Амина Мухамметшина совринли ўринларга сазовор бўлдилар. Жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда эса Арина Фольц/Амина Мухаметшина, Гўзал Юсупова/Даяна Седова, Мадина Ҳотамова/Александра Стаханова тандемларига тенг келадиган рақиблар топилмади.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**




## Ҳосилдорлик ортади

**Ғалла етиштиришда ҳеч бир омилни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Хусусан, замбуруғ касаллиги ойлаб кутилган ҳосилни нест-нобуд қилиши мумкин.**

Гулистон давлат университети олимлари бунинг чорасини топишди. Улар буғдойнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширишга хизмат қилувчи “фунгицид” препаратини яратишди.

Мазкур дори воситаси маҳаллий хом ашё — ширинмия ўсимлиги илдизпоясидан ажратиб олинади. Ажратма суюқ ҳолатда бўлиб, тўқ қўнғир рангли ва ўзига хос ҳидга эга. Бир литр “фунгицид” 20 литр сувда эритилиб, 1 тонна уруғлик донга ишлов беришда қўлланилади ёки бир гектар ғалла майдонига сепилади. Қолаверса, ундан вегетация босқичида ҳам фойдаланилади. Препарат таъсирида буғдой ҳосили гектарига 3-4 центнерга ошиши баробарида, дон сифати ҳам яшиланади.



## Рақамли дастур

**Бугун барча соҳаларга илғор технологиялар кенг жорий этилмоқда. Айниқса, рақамли дастурлаш тизими ривожланиши билан қўл меҳнати ёрдамида бажариладиган кўплаб юмушлар “ақлли машиналар” зиммасига юклатилаяпти.**

Ана шундай янгиликлардан бири Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан кашф этилди. Улар рақамли дастур воситасида металлни қирқиш жараёнини такомиллаштириш усулини ишлаб чиқишди. Пировардида истиқболда тўлиқ электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқариладиган автомат-заводларни бунёд этишга замин ҳозирланди. Қолаверса, мазкур дастур иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, ундан машинасозлик, авиасозлик саноати ҳамда турли дастгоҳлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

## Диабетга даво

**Маълумки, қандли диабет инсонлар орасида кенг тарқалган хасталиклардан бири бўлиб, у организмда инсулин танқислиги ва моддалар алмашинуви бузилиши оқибатида келиб чиқади.**

Ҳозир дунё олимлари ушбу дардга бутунлай барҳам бериш устида изланишлар олиб бормоқда. Зеро, бу хасталикка чалинган беморлар сони Ер юзининг барча ҳудудларида йилдан-йилга ошиб бораётир.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тадқиқотчилари бу борада бир қадам олдинга ўтиб олишди. Улар томонидан қандли диабетнинг иккинчи типини даволашнинг янги технологияси яратилди. Мазкур муолажа усули даволаш жараёнида қанд миқдорини камайтирувчи препаратлардан воз кечиш ёки уларнинг қўлланилиш миқдорини камайтириш имконини беради.

Янги технология касаллик асоратларини эмас, балки уларнинг сабабларини бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.**

## Наманган томонларда

*Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма театри ижодий жамоаси Обод турмуш йилига бағишлаб туркум асарлар намойишини бошлади.*

### Янги мавсум томошалари

Айни пайтда бу ерда олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун жадвал асосида маданий хизмат кўрсатилмоқда. Ёшлар эътиборига ҳавола этилаётган “Виждон амри”, “Тўйлар муборак”, “Заҳарли томчи”, “Бедаволар” сингари маънавий-ахлоқий мавзудаги спектакллар уларда катта таассурот қолдираяпти.

Айтиш лозимки, мазкур санъат маскани реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминлангач, бу ерда саҳналаштирилаётган асарлар сони ортиб, сифати яхшиланди. Бу, ўз навбатида, мухлислар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Жумладан, ўтган ойнинг ўзида театрга 13,5 мингга яқин томошабин ташриф буюриб, маданий ҳордиқ чиқарди.

### «Китоб байрами»

*Наманганда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Китоб байрами” ўтказилди.*

Наманган давлат университетида бўлиб ўтган ушбу тадбирда таниқли ижодкорлар сўзга чиқиб, миллий адабиётимизнинг бугунги ривожи, китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган янги адабиётлар хусусида атрофлича фикр юритдилар. “Маънавият ҳафталиклари” доирасидаги анжуман давомида дурдона асарлар тақдимоти ҳам ташкил қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ**
*тақдим этади!*

**2013 йил 3 март куни соат 19.00 да «ИСТИҚЛОЛ» санъат саройида**

*муҳтарам Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Марди майдон!» қўшиқлар фестивали ғолибларининг «Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган жонли ижродаги концерти ўтказилади.*

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.**

103R/56

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**
**қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:**

- **Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси:** ассистент.
- **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** доцент.
- **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси:** ассистент.
- **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Аналитик кимё ва нодир металлар технологияси кафедраси:** катта ўқитувчиси.
- **Саноат экологияси кафедраси:** ассистент.
- **Технологик жараён ва қурилмалар кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Биотехнология кафедраси:** ассистент.
- **Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** доцент, ассистент.
- **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Касбий таълим кафедраси:** ассистент.
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Физика ва электротехника кафедраси:** ассистент.
- **Олий математика кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи.



*Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.*

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, Кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.**

674R/419

**«FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**
*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Ёзёвон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 19 октябрдаги 15-11-03/30003-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани, «Навбаҳор» ҚФЙ, Андижон кўчаси, 1-уйда сақланаётган, «AUDI Q7 4.2 QUATTRO» русумли, давлат рақами 40 757 GAA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 310 652 687 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 1 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 29 март куни соат 18.00. Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

284R/191

*Гувоҳнома: 006231.*

**Сара уруғ — юқори ҳосил гарови**

**Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини таклиф қилади.**



УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46. Факс: (+99871) 257-58-61.**

180R/124



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5